

ТОНГ ЮЛДУЗИ

Муассислар: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ, ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МАТБУОТ ҚУМИТАСИ

Газета 1929 йил, 1 августдан «Ленин учқуни» номи билан чиқа бошлаган

№17 (65844)
1995 йил, 16 май, сешанба

Сотувда
эркин нархда

КОСМОНАВТДАН МУКОФОТ ОЛГАН БОЛА

Одатда шундай бўлади. Ҳаяжонли дақиқалар ёки муҳим синов олдидан киши кўзига уйқу келмайди. Зафарбой ҳам яқин кунда бўладиган жумҳурият кўрик танлови олдидан ухлай олмайди. Қачон кўзи илинганини билмайди. Бир вақт у космодромда пайдо бўлиб қолибди. Учиш олдидан уч-тўрт космонавт билан майдончада турганмиш, эғнида махсус кийим — скафандра. «Сизларга омад тилайман, эсон-омон қайтиб тушинглар» дермиш унинг кўлини қаттиқ сиқиб аввалги учган космонавтлардан бири.

Чўчиб уйғонди. Унинг вужудини англаб бўлмас севинч чулғаб олганди. Шу кун у Тошкентга — ёш ракетамоделчиларнинг жумҳурият кўрик-танловида иштирок этиш учун жўнади.

— Навбат Сурхондарё вилояти, Денов тумани, Муқимий номдаги мак-

таб ўқувчиси, космик ракета моделлари тўғараги қатнашчиси Зафар Шоймардоновга! — деган эълон эшитилди.

У ўзи ясаган «Ариона-1» ракетаси билан даврага чиқди.

Зафаржоннинг зафар кўчиши ана шу дақиқалардан бошланган, ушанда у космонавт Руковишников имзоси билан диплом ва пул мукофотлари олиб қайтган эди.

Мана, бу йил ҳам омад Зафаржонга қулиб боқди. Яқинда вилоят микёсида бўлиб ўтган «Иқтидорли болалар» кўрик-танловида қатнашиб, узининг «Бумеранг» деб номланган космик ракетаси модели билан биринчи уринини эгаллади.

Мингбой ҚУРБОНОВ,
Сурхондарё вилояти

Маълумки, Республикаимизнинг турли вилоят ва туманларида ўқувчилар, ўқитувчилар ва тарбиячиларнинг қўшлаб, ажойиб ва қизиқарли танлов тадбирлари бўлиб ўтмоқда. «Энг яхши тарбиячи», «Йил ўқитувчиси», «Иқбол» каби қўшгина кўриклар анъанага айланиб қолган, «Йил ўқувчиси - 95» кўрик-танлови эса Жиззах вилояти, Ғаллаорол тумани мактаб ўқувчилари уртасида бўлиб ўтди. Туманнинг мавжуд 78 та мактабининг деярли барчасидан яқунланган ўқув йилида фанларни энг яхши ўзлаштиришга эришган билимдон, зукко болалар иштирок этишди. Барча табиий ва ижти-

«ЙИЛ ЎҚУВЧИСИ - 95»

мой фанлар билан бир қаторда бугунги ўз шаклини тиклаётган маънавий қадриятларимизга доир саволларда ҳам билимларини яна бир бор синаб кўрдилар.

Туман халқ таълими бўлими ва энг тажрибали муаллимлардан иборат ҳакамлар ҳайъати ўқувчиларнинг фикрлаш қобилиятларини ва фанлар буйича берган жавобларини атрофлича текшириб, 57-мактаб ўқувчиси Манзура Эшматовани танлов голиби, энг яхши ўқувчи деб топдилар. 4-мактабнинг аълочи ва жамоатчи қатнашчиси Нилуфар Қорақулова 2-уринга муносиб иштироқчи эканлигини намоён қилди. 3-урин эса 60 - мактабнинг ўқувчиси Нилуфар Исоқуловага насиб этди.

«Йил ўқувчиси - 95» танлови қатнашчиларига эсдалик совғалар ва фахрий ёрлиқлар қизгин кўтловлар остида топширилди. Голиб ўқувчилар ўқув йили якунидаги имтиҳонлардан озод этилдилар.

Пўлат АЛИМОВ,
Жиззах вилояти



БИР ҲАФТА ЯНГИЛИКЛАРИ

Ўтган ҳафта республикаимиз ҳаёти муҳим воқеаларга бой бўлди. Тошкентнинг Мустақиллик майдонида фашизм устидан қозонилган Ғалабанинг 50 йиллигига бағишланган ҳарбий парад бўлиб ўтди. Парадни қабул қилиб олган Ўзбекистон Мудофаа вазири, генерал-лейтенант Рустам Аҳмедов халқимизни катта тантана билан табриклади.

Парадда Ўзбекистон Республикаси Президенти, мамлакат Куролли Кучлари Олий Бош қўмондони Ислом Каримов, ҳукумат аъзолари қатнашдилар.

Шу кун кечқурун пойтахтимиздаги «Туркистон» саройида Ғалабанинг 50 йиллигига бағишланган тантанали йиғилиш бўлди. Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов табрик нутқи сўзлади.

Юртбошимиз Ислом Каримов 9 май кун Москвада бўлган байрам тантаналарида иштирок этиб қайтди.

Қорақалпоғистон пойтахти Нукус шаҳрида фашизмга қарши уруш ва меҳнат фахрийлари учун хивбон очилди. Шунингдек, Самарқанд вилоятининг Гулобод қўрғонида ҳам уруш қаҳрамонларига атаб Ёдгорлик комплекси барпо этилди. Қашқадарё маркази Қарши шаҳрида эса, қаҳрамонлар хотирасига бағишланган бюстлар қўйилди.

Чирчиқ шаҳри ташкил этилганига 60 йил тўлди. Шу муносабат билан юртбошимиз шаҳар меҳнаткашларига табрик йўллади ва бир гуруҳ фаоллар республика фахрий унвонлари ва фахрий ёрлиқларига сазовор бўлдилар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти «Халқ хўжалигида ҳисоб-китоблар ўз вақтида ўтказилиши учун корхона ва ташкилотлар раҳбарларининг масъулиятини ошириш бора-сидаги чора-тадбирлар тўғрисида» фармон берди.

Яккабоғдан икки мактуб

ЎСИМЛИКЛАР ҲАМ СЎЗЛАЙДИ

Ойбек номли 75-урта мактабда бир неча йилдирки, ибратли тадбирлар мунтазам ўтказилиб келинади. Масалан, ҳар ҳафта битта фанга бағишланади. Яқинда биологияга аталган ҳафталик якунидаги кўрик-танлов «Ўсимликлар ҳам сўзлайди» деб номланди.

Ўқитувчилар Хусния Бозорова, Ойтура Худойбердиева, Чори Бобоқулов ва Нодира Порсоевалар ишлаб чиққан тадбирга мувофиқ танлов йил фаслларида мос мавзулар асосида, бос-

қичма — босқич ўтказиб борилди. Бу сафар гул ишқибозлари иштирок этдилар.

Танловда 26 нафар ўқувчи қатнашди. Ҳакамлар ҳайъати ўқувчиларнинг реферат ишларини, танловга тақдим этган антиқа-анвойи гулларини шу мавзудаги қизиқарли маълумотларини, ҳамма-ҳаммасини ҳисоб — китоб қилдилар.

«Ўсимликлар ҳам сўзлайди» кўрик-танловининг ушбу босқичида Моҳигул Пулатова, Феруза Хушвақова, Анвар Каримов ва Сарвар Уриновлар голиб чиқишди.

ЁШ ЧИЛАНГАРЛАР

Усмон Юсупов номли 61-урта мактабда ўқув йили бошида маҳаллий чилангар уста, марҳум Нормур Исмоил ўғли номи билан аталувчи «Ёш чилангарлар» тўғараги иш бошлади. Худди шу касб сирларини ўзлаштирган ўқитувчи уста Ислом Қодиров раҳбарлигида ўқувчилар нафис халқ санъатининг кўз илгамас сир-асрорларини кунт билан ўрганмоқдалар.

Кувончли томони шундаки, тўғарақ аъзоларидан Қурбон Эр-

гашев, Мавлон Жураев, Баҳриддин Эшонқулов, Саидасрор Бурхоновлар ясаган буюмлар яқиндан бошлаб савдога чиқарила бошлади.

Харидорлар ёш чилангарлар ишлаган асбоб-ускуналарни, асосан оташқурак ва ҳокандозларни, эшик ва дераза тутқичларини, эшик ва нонпарларни зур қизиқиш билан харид қилмоқдалар.


Абдували ОБИДДИНОВ,
Қашқадарё вилояти,



**Кўёш куляпти
Бизга қараб.
Нурга тўляпти
Ҳамма тараф.
Кўёш бизники,
Ўғил-қизники!**

**Яшаймиз яйраб
Нур бағрида.
Булбулдек сайраб
Юрт боғида.
Кўёш бизники,
Ўғил-қизники!**

**Болаларини
Десин ҳамма,
Баралла шундай
Десин ҳамма:
— Кўёш бизники,
Ўғил-қизники!**



СУЮНТИРГУВЧИ, КУЮНТИРГУВЧИ ХАТЛАР, ХАБАРЛАР

МУШОҲИДА ЭНАМИЗ

— Қиз бола куча-куйда юрганда «Анови кимнинг қизи экана, отасига раҳмат-ей» деб ҳавас қилишсин, орзулашсин. Бунинг учун қиз бола энг оддий одоб — ахлоқ қоидаларига амал қилиши, овозини баландлатиб гапирмаслиги, шарақлаб кулмаслиги, мулойим, ширинсуз бўлиши шарт...

Бундай насиҳатларни бизга 80 ёшли энамиз Мушоҳида Хуснидинова тез-тез айтиб турадилар.

У киши куп йиллар Тошлоқ туманидаги А. Навоий номидаги жамоа хужалигида кутубхоначилик қилганлар. Ҳозир биринчи гуруҳ ногирони, зиёкор энамиз хузуларида ҳар куни бўлиб тураемиз. У кишининг уй ишларида кумаклашамиз, бозор-учарларини қилиб берамиз. Энамиз булса бизларга ота-онани, устозларни, катталарни қандай ҳурмат қилиш ҳақида насиҳатлар қиладилар.

Яқинда биз энажонимизнинг 80 ёшга тулган кунларини тантанали байрам қилдик. Энамиз бунинг учун дугоналарим Ширмоной Йулдошева, Муяссар Қодирова, Ҳаётхон Охунова, Фотима Раҳимова, Ҳилола Давронова, Мадина Алисваларга раҳмат айтиб, дуо қилдилар.

Набира ЭРМАТОВА,
Фаргона вилояти, Тошлоқ тумани,
Беруний номидаги мактабнинг
8-синф ўқувчиси.

ХОНАНДА ХОТИРАСИ

Мактабнинг тантаналар утказиладиган томошагоҳи сув қуйгандек жим-жит. Сукунат шу қадар чуқур эдики, ташқарида булган одам бу ерда туманнинг 36 та мактабидан келган ёш санъаткорлар йиғилиб олганига сира ишонмасди.

Шу пайт майин куй садолари янгради. Дам утмай унга ирмоқдан келаётган сув товушидай оҳангдор қушиқ садолари қушилди. Қушиқ эгаси ёш эстрада ихлосмандлари кўрик-танлов иштирокчиси Саодат Каримова эди.

Қизилтепа тумани ёшлар ташкилоти ташаббуси билан утказилган бу тадбир машҳур эстрада хонандаси Ботир Зокиров хотирасига бағишланди. Қизгин беллашувларда туманнинг 36 та мактабидан келган ёш санъаткорлар иштирок этишди. Унда Эшпугта Сачоқов номидаги мактабнинг Фахриддин Нуоров раҳбарлигидаги ўқувчилари юқори натижаларга эришишди. Саодат Каримова, Наргиза Жомуродова, Назира Шариповалар туман халқ таълими бўлими ва туман ёшлар ташкилотининг мақтов ёрликларига сазовор бўлишди.

Сачоқ ЭГАМОВ,
Навоий вилояти, Қизилтепа тумани.



Ҳар куни тонгда уйқудан кузимни очаману, саҳармардондан сайраётган қушлар овози, ҳаммадан ҳам эрта туриб олиб, ҳовли уртасида алланималарни талашиб-тортишиб «яшашни бошлаган» укажонларимнинг ёқимли шовқинини эшитаман. Буларнинг бари вужудимга қандайдир ёқимли қувонч югуртиради. Урнимдан даст тураману иштаҳа билан нонушта қилиб мактабга югураман. Дарсларда аълога жавоб бераётган уртоқларим ҳам, талабчан устозларим ҳам ҳаммаси кузимга яхши кўришиб кетади. Уларга, умуман барча одамларга яхшилик қилгим келади. Шунинг йулларини ахтараман.

Рост-да, улар ҳам, мен ҳам тинчлик, осойишталик ҳукм сураётган юртда яшаймиз, яхшилик ҳақида қанча ният қилсак арзийди. Биз пешонаси очиқ инсонлар эканмизки, биз тугилган уз ватанамизда тинчлик ҳукм сурмоқда.

Эрталаб уйқудан куз очаману, вужудимни қувонч эгаллайди.

ТИНЧЛИККА шукрона айтаман.
Садоқат МҮМИНОВА,
Бухоро вилояти, Шофиркон тумани Ибн Сино
номидаги мактабнинг 11-«А» синф ўқувчиси



Катта устоз ҳақида кичик сўз «ИХЛОС БИЛАН КЕЛСИНЛАР»

нгловчининг куз олдида китобдаги воқеаларни шундоққина келтириб қўя қоларди. Шу сабабми фақат ундан такрор — такрор илтимос қилишни кўйишмасди.

«Одамларнинг менга булган ихлосиданми, соатлаб мени тинглашдан чарчамасликлари кунглимни кутарганиданми ёки ўқитувчилар оиласида тарбия топганиданми ҳар ҳолда муаллимликка қизиқиш менда тобора ортиб борарди, — давом этадилар устоз. — Минг шукрлар булсинким, ҳаётим ёш авлод тарбияси билан узвий боғлиқ булди. Агар менга савол бериб, қайта дунёга қелсангиз, қайси касбни танлардингиз, деб сўрашса, албатта ўқитувчиликни, деб жавоб берардим».

Айни кунларда муаллима-олимаимиз Ўзбекистон педагогика фанлари илмий-тадқиқот институти бошланғич мактаб бўлимининг мудири сифатида фаолият курсатмоқдалар. У киши уз жамоаси билан биргаликда бошланғич мактаб таълими концепциясини, Давлат таълим стандартларини ишлаб чиқиб, келажакда, яъни XXI асрда мактаблар қандай бўлишини ҳозирданок белгилашмоқда. Улар ва шогирдлари уз гоиларини Тошкент шаҳридаги 84-, 216-, 287-мак-

табларда синовдан утказишяпти. Мисол учун 287-мактабда қизлар синфи ташкил этилиб, унда шарқона тарбия олган, нозик дидли, фаросатли, ҳар ишга ўқувли, одоб-ахлоқ бобида барчага ибрат буладиган қизларни тарбиялаш учун мактаб жамоаси билан ҳамкорликда иш олиб боришяпти. Шуни ҳам айтиш лозимки, ушбу мактаб директори Дилбархон Йулдошева янгиларнинг жон-дили билан қабул қила оладиган, ўзлари ҳам шарқ аёлларига хос фазилатларга эга инсон.

Мактабда хоналарнинг миллий руҳда безатилишдан тортиб миллий кийимларда юриш, урф одатларимизни улуғлайдиган ибратли тадбирларни амалга оширмоқдалар.

Жамоа тузган таълим концепциясида болаларда мактабни муқаддас деб билиш, илм олишга қизиқиш ва эътиқод уйғотиш уларни уйғун-ривожланишига эришиш бош масалалардан бири.

Аввало маънавий соғлом авлодни тарбиялаш учун бола руҳида зоҳир булган адолат ва эзуликни барқарорлаштириш лозим. Шундагина мактаб болаларининг сеvimли масканига айланади. Улар юқори синфларга ўтганларида асло мактабни тарк

этмайдилар. Бу мактабни улар «Шодлик мактаби» деб аташди.

Ҳозирги кунда том маънода миллий руҳга эга булган ўқув дастурлари, дарслик ва қўланмалар ишлаб чиқилди. Эндилликда ҳамма нарса уз номи билан аталмоқда. Масалан, «Алифбе» китоби «Шодлик алифбеси» деб аталди. Ўқиш ва ўзбек тили дарслиги «Гулшан», иккинчи синфлар учун чиқарилган ўқиш китобига «Билим боғи» деб ном қўйилди. Шу кунларда Кумри Абдуллаева XXI асрдаги мактабларнинг қандай бўлиши ҳақидаги, «Шодлик в мактаби» ва унинг мазмуни, келажакдаги фаолияти ҳақида илмий маъруза қилишга тайёргарлик кураятдилар. Унда ечилмай турган анчагина муаммолар тилга олинади. Олиманинг бундан мақсади, келгусида болалар мактабга ихлос билан келсинлар.

Бугун муҳтарама муаллиманимизнинг 60 ёшлик тўйлар нишонланмоқда. Биз ҳам Ўзбекистонда хизмат курсатган Халқ таълими ходими, меҳрибон устозимизни фарзандлари, набиралари, умр йулдошлари билан хуррам яшаб, яна узок йиллар минглаб болаларни илм зиёсидан баҳраманд қилиб юришларини тилаймиз.

Турсуной ХАМИД қизи.



ЖАННАТИ ОДАМ

«Тонг юлдузи» рўзномасини доим қизиқиб ўқиб бораман. Рўзномада тарихимизга, ҳозирги кунимизга ва келажак авлодга бағишланган мақолалар босилиб туради. Айниқса, менга одобли, ота-оналари, ака-укалари, опа-сингилларига меҳрибон болалар ҳақида ёзилган мақолалар, лавҳалар жуда ёқди. Шунча болаларга ўхшагим келади. Уларнинг яхши сифатларидан ўрнак оламан.

Отам Саъдулло Сайфиддин ўғилларининг оталари — бобом Сайфиддин Мирза ўғиллари 85 ёшларида 1995 йил 25 март куни бандаликни бажо келтирдилар. У киши узок йиллар ўт ўчириш идорасида хизмат қилганлар. Бобом бир ойдан кўпроқ бетобланиб ётдилар. Охири икки ҳафтада эса ўринларидан туролмай қолдилар. Муяссар исмли катта аммам бир ойдан ортиқ оталарининг ёнларида кун ўтказдилар. Ҳабиба ва Асолат исмли ўртанча аммаларим ҳам оталари учун қўлларидан келган ҳамма хизматларни аямдилар. Охири кунларда бобомларни мева-валарнинг шарбатини қириб бериб боқдилар. Муяссар ва Асолат аммаларим ҳатто оталарини ювинтирдилар.

Ойим Гулноза Мирзаева ҳам аммаларимнинг ёнларида тунлари ухламай, келиндай эмас, худди қизларидай бобомлар олдидаги хизмат бурчларини адо этдилар.

Отам Саъдулло Сайфиддин ўғилларининг тунлари ухламай оталарини овқатлантирганлари, ҳамма хожатларига қараганликлари, ювиб-тараганликларини қириб ҳаяжонланганимдан кузим ёшланиб ҳам кетди. Отамларнинг бу хизматларини қириб қариндош — уруғларимиз, қўни-қўшнилари «жаннати ўғил» ҳам дейишди.


Бобомлар ва фотидан бир оз олдин инжиқлашиб қолдилар. Атрофдагиларни ранжита бошладилар. Шунда ҳам отамлар, аммаларим: «Отамиз бизларни жуда яхши кўрардилар, вафотидан кейин юраклари эзилмасин дея, ўзларидан атайлаб совуғаяптилар» дея ранжишмадилар.

Бобомларнинг қўллари беҳад очик эди. Отамлар ҳам қўли очиклик билан бобомларнинг маъракаларини ўтказаяптилар.

Отамларга, аммаларимга булган хурматимни айтиш учун уйлай-уйлай охири Сизга хат жўнатдим. Сизга йўллаётган хатимни ота-оналарини ҳурмат қилмайдиган, кексалар уйига ташлаб қўйганлар, болаларидан ҳам умид узиб «Болалар уйига» топширганлар ҳам ўқисалар жуда қувонардим.

Ота-онанинг кунларига фақат фарзандларигагина, фарзандлари кунига эса фақат ота-оналаригагина яраб эканлар... Буни мен бобомлар ва раҳматли буваамларга отамлар ва аммаларим хизматида кўрдим.

Зилола МИРЗАЕВА,
Акмал Икромов туманидаги
81-мактабнинг 3-«З»
синф ўқувчиси.



Болаларга қайғурмоқ — ўзликка қайғурмоқдир

Ўзбекистон Республикасининг таълим тўғрисидаги қонунини амалга ошириш борасида Паркент туманида ҳам ибратли ишлар қилинмоқда. Жамоатчи мухбиримиз туман халқ таълими бўлими мудирини Шерзод Зикриёхўжаев билан шу хусусда суҳбатлашиб, унга бир неча саволлар билан муурожаат қилди.

— Шерзод ака, таълим тўғрисидаги қонуннинг қабул қилинганига ҳам анча вақт бўлди. У ҳаётга қандай тадбир этилапти?

— Унинг қабул қилиниши Мустақиллик талаби, қолаверса, ҳаёт тақозоси эди. Мустақиллик юртимизга, миллатимизга чин маънодаги эркинликни берди. Истиқлол устозларга ҳам, ўқувчиларга ҳам эркин нафас олишга кенг имконият яратди. Маълумки, илгарилари режалар Москвадан берилар, ўқув куроллари ҳам ўша ёқдан келтирилди. Бу ҳол бизни узоқ вақт кишанлаб келди. Аждодларимиз фаолиятини, жумладан, бой тарихимизни ўрганишга йўл бермади. Натижада ўғил-қизларимиз ўз ўтмишлари ҳақида ҳеч нарса билмай улгайдилар. Ўқитувчилар юракларидан таҳлика ва кўрқув ҳислари, яъни: «Қўлимдаги кўрсатмалардан чиқсам, нонсиз қолмайманми?» деган саросимадан ҳам мутлақо қутулдилар. Шу маънода мустақилликка минг марта ҳамду сано айтса ҳам кам. Афсуслар бўлсинки, мана шу улуг неъмат — мустақилликни миллатнинг гуллари саналмиш доно оталаримиз, оналаримиз кўролмадилар, доғу ҳасратда кетдилар... Қодирий, Чўлпон, Фитрат, Элбек, Усмон Носир, Суфизодалар ҳаёт бўлганларида нечоғлик қувониши мумкинлигини тасаввур қилолмайман... Барибир, хурлик нуридан баҳраманд бўлдик. Баҳраманд бўлишимиз билан туманда иқтидорли болалар лицейини ташкил этдик. Зие масканига барча иқтидорли болаларни жамладик. Бу табиийки, республикамиз ҳукумати қабул қилган қонуннинг ижобий самарасидир. Ўтган йили туманимизга қарашли 10-мактабнинг 11-«А» синфидан учта бола олий ўқув юртига кирди. Икки йил муқаддам Номданақдаги 22-мактабдан бир йўла олтита бола олий ўқув юртига кириш бахтига муяссар бўлганди. Бу йил туманимиз 110 нафар иқтидорли мутахассис билан таъминланди.

— Янглишмасам, яқинда туманингизда катта анжуман ўтказилибди.

— Ҳа, Республика ижодкор ўқитувчиларининг 3-республика анжумани ўтказилди. Ўзингизга маълум, халқимиз шоир табиат халқ. Ўқитувчилар орасида ҳам унлаб назм ва наср билан шуғулланган ижодкорлар бор. Ижодкор муаллимлар йиғилиб,

дилдан суҳбатлашдилар, бир-бирларининг ижодларидан баҳраманд бўлдилар. Мазкур анжуманда кўп ўқитувчиларга тоифалар берилди. Ҳайъат маъқул топган ижодкорлар асарларини нашр қилишга қарор қилинди. Анжуманни уюштиришда ва самарали ўтишида туманимиз ҳокими Туроб ака Холтоев анчагина жонбозлик кўрсатдилар. Анжуман ўқитувчиларга ҳам, ўқувчиларга ҳам маънавий кўтаринкилик бахш этди. Адабиётга қизиқадиган устозларнинг орзу-ҳавасларини ошириб юборди. Паркент аввалдан кўп улуг сиймоларга ватанлик қилган. Аллома Ҳофиз Тошкандий ана шулар.

— Паркент мундоқ дунёда биз сон жиҳатдан дунёдаги кўп миллатлардан кам бўлсак-да, сифат жиҳатдан қолишмаймиз. Кўп жаҳонгир, улуг шоир ва мунажжим, донишмандлар Туркистон тупроғида туғилди. Демак, биз эзгулик йўлини туттишимиз ва дунёвий тараққиётга кўтарилишимиз зарур. Шу ўринда ҳаммага маълум яна бир гапни эслатиб ўтаман. Муҳаммад Алайҳис-салом ўзини эзгулик ва саховат, олижаноблик, яъни улуг ҳақиқат — ҳақ йўлини танлаганликлари учун ҳам пайғамбарлик мартабасига кўтарилдилар. Шайтон васвасасига учраган кимсалар, яъни шайтон ҳукмидан чиқа олмаган бандалар эса абадул абад гузаллик тушунчасидан маҳрум бўлиб қолавердилар. Болалар доим ўзлари сезмаган ҳолда саховатга этиёж сезадилар. Ва мана шу муқаддас ташналик — муҳтожликни қондира олган, шу йўлда фаолият кўрсатган ўқитувчиларгина таҳсинга сазовордирлар. Мен илк бор мактабга ўқитувчи бўлиб келганимда, рус тили муаллимаси Виктория Жданова ва Мунира Абдуллаевалар дарсимга киришиб: «Дарс беришинг жуда яхши, фақат уялма» деб кўнглимни кўтаришди. Қўллаб қувватлаб, йўлга солишди. Қалбимда мактабга, ўқувчиларга ва ўқитувчиларга нисбатан меҳр-муҳаббат ҳисси уйғонди. Мана

ни ҳар куни, ҳар куни ҳар ким қилиши керак», — дейдилар. Мана шу ҳикмат бизлар учун маёқ бўлмоғи зарур. Қалби саховат ҳиссига тўла одамгина, яъни ўз халқига ҳар лаҳза саховат кўрсатишга бел боғлаган раҳбаргина мана шундай эзгу фикрни баён қилиши мумкин. Эзгулик, олижаноблик ёки тараққиёт осмондан — ғойибдан тушиб қоладиган ё сотиб олиши мумкин бўлган мулк эмас. Буларнинг ҳаммаси Аллоҳ томонидан қалбимизга инъом этилган муқаддас ҳис-туйғу, илоҳий бир неъматдир. Бироқ, бундай эзгу ишни ҳамма ҳам қилишга қодир эмас. Эзгулик йўлини тутмоқлик ҳамма учун қолидага айланмоғи керак. Инсон мақсад-маслағи билан тинмай гузалликка интилади, доим ўзини эзгу-

шу йўл мен учун муқаддас йўлга айланди. Ва мен ҳаммага бирдай саховат кўрсатишни ўзимга дастур қилиб олдим. Демак, инсонни қўллаб, билмаганини ўргатиб, улуг йўлга чорлаш мумкин. Шу кунларда мактабларда тафтиш ишларини юриштириб юбордик. Ҳайъат тузиб, директор ва илмий бўлим мудирлари, жумладан ўқитувчиларни ҳам кўриқдан утказаяпмиз. Кўп мактабларнинг раҳбарларини ўзгартдик. Иқтидорли ёшларни лавозимларга кўтардик.

— Бозор иқтисодига ўтиш жараёнида қийинчиликлар сезилаётirmi?

— Озди-кўпдир сезилаётир. Шунга қарамай «Чанги» қишлоғида 2 та, Паркентда 2 та, Заркент қишлоғида 1 та мактаб бинолари қурилиб фойдаланишга топширилди. Туманда 38 та мактаб, битта лицей мавжуд. Лицей директори Нуринос Зухурова, 18-мактаб директори Замон Солиев, 31-мактаб директори Анвар Адашовлар чиндан ҳам иқтидорли раҳбарлар. 16 та болалар боғчаси бор. Уларда 2100 бола тарбияланади. Боғчаларнинг кўпчилиги жамоа ҳужалиги тасарруфида. Янги болалар боғчаси қурилишига ҳам алоҳида эътибор қаратилапти.

— Мутахассислигингиз ҳақида ҳам икки оғиз гапирсангиз.

— Душанбедаги ўқитувчилар олийгоҳининг физика ва математика бўлимини тугатганман. Аввал ўқитувчилик қилдим. Кейин эса илмий бўлим мудирини бўлиб ишладим. Ундан эса Нурқўрғонда очилган янги мактабга директор қилиб тайинлашди. Кейинги пайтларда болаларни эзгу йўлда тарбиялашда бадиий адабиётнинг куч-қудрати беқиёслиги неча бор кўзга ташланди. Уларнинг Маънавий олами ривожланишига ижобий таъсир қилмоқда. Шу маънода биз ҳар бир мактаб қошида буюк ёзувчиларимиз, шоирларимиз, алломаларимизга бағишланган алоҳида хоналар ташкил этишга бел боғладик. Бу хоналарга улуг кишиларимизнинг суратларини ва ҳаёти ва ижодий фаолиятларини акс эттирадиган ҳужжатларни қўямиз. Бу ўз-ўзидан миллатнинг гурурини оширади, руҳларига кўтаринкилик касб этади.

Суҳбатдош:
Пориҳа ИСМАТОВА



дан бири.

Аслида

Паркент мундоқ

зофотига қараш-

ли Суқоқ қишлоғида таваллуд топган, сўнгра Тошкентга кўчиб келиб, яшаб қолган бу улуг зот кейинчалик. Кўп юртларни кезиб Ҳиндистонга, улуг бобомиз Бобур Мирзонинг ёнига боради. Ҳумоюн саройида фаолият кўрсатади. Унинг «Бобурнома»га ўхшаш улкан асари мавжуд.

— Оддий дехқондан тортиб олимлар, донишмандлар, ҳатто жаҳонгиргача, Навоийдан тортиб Қодирийгача мана шу мактабдан илм олган. Ҳамманинг илк устози-ўқитувчи. Шунинг учун ҳам барчамиз бирдай устоз — ўқитувчилар олдида бурчлимиз. Демак, эзгуликка, олижаноблик ва саховатга илк қадам шу мактабдан қўйилади.

— Бошқача бўлиши мумкин ҳам эмас. Инсоннинг мақсад-маслағи ва умумий фаолияти ҳам мана шу муштарак тушунча — туйғудан иборат. Одам жонига қасд қилиш, турли босқинчилик ва талон-торожлик, турли ичимлик ва ҳаётимиздаги баъзи бир шунга ўхшаш иллатларни бартараф қилмоғимиз шарт ва зарур. Чунки энди биз дунёдаги озод юртлар каби озодмиз. Мана шу иллатлар мавжуд экан, табиийки мустақиллигимизни ҳам мустаҳкамлай олмаймиз. Ҳурматли Президентимиз доим: «Савобиш-

ликка чоғлайди. Улуг маданиятнинг даражалари ҳам шу билан ўлчанади. Гарчи биз сон жиҳатдан дунёдаги кўп миллатлардан кам бўлсак-да, сифат жиҳатдан қолишмаймиз. Кўп жаҳонгир, улуг шоир ва мунажжим, донишмандлар Туркистон тупроғида туғилди. Демак, биз эзгулик йўлини туттишимиз ва дунёвий тараққиётга кўтарилишимиз зарур. Шу ўринда ҳаммага маълум яна бир гапни эслатиб ўтаман. Муҳаммад Алайҳис-салом ўзини эзгулик ва саховат, олижаноблик, яъни улуг ҳақиқат — ҳақ йўлини танлаганликлари учун ҳам пайғамбарлик мартабасига кўтарилдилар. Шайтон васвасасига учраган кимсалар, яъни шайтон ҳукмидан чиқа олмаган бандалар эса абадул абад гузаллик тушунчасидан маҳрум бўлиб қолавердилар. Болалар доим ўзлари сезмаган ҳолда саховатга этиёж сезадилар. Ва мана шу муқаддас ташналик — муҳтожликни қондира олган, шу йўлда фаолият кўрсатган ўқитувчиларгина таҳсинга сазовордирлар. Мен илк бор мактабга ўқитувчи бўлиб келганимда, рус тили муаллимаси Виктория Жданова ва Мунира Абдуллаевалар дарсимга киришиб: «Дарс беришинг жуда яхши, фақат уялма» деб кўнглимни кўтаришди. Қўллаб қувватлаб, йўлга солишди. Қалбимда мактабга, ўқувчиларга ва ўқитувчиларга нисбатан меҳр-муҳаббат ҳисси уйғонди. Мана



Ушбу ҳикояга собиқ Совет Иттифоқи Қаҳрамони, III- II- даражали «Шуҳрат» ордени нишондори, марҳум Сотим Нурметовнинг жанг хотиралари асос қилиб олинган. У киши 1925 йилда Хива шаҳрида туғилиб, 1993 йили Ургенч шаҳрида вафот этганлар.

1945 йил. Душманнинг энг катта таянч нуқтаси Кёнигзберг шаҳри ишғол этилди. Бу шаҳарни кутурган, аламзада, тиш-тирноғигача қуролланган етти немис девизияси қаттиқ туриб химоя қиларди. Шу сабаб уни эгаллаш осон бўлмади. Агар алоҳида жасорат ва мардлик кўрсатган жангчи ва офицерлар бўлмаганда совет армияси томонидан берилган талофатлар бир неча ўн баробар кўп бўлган бўлар эди. Шу сабаб шаҳар қўлга киритилгандан кейин кўмондонлик қатор жангчи ва офицерларни мукофотга тавсия қилди.

Фронт кўмондонлиги штаби. Ҳарбий кўмондон столдаги чақирув тугмасини босди:

— Эшитаман, ўртоқ кўмондон, хонага штаб офицерларидан бири капитан Антонов кириб келди.

— Капитан, марҳумлар рўйхати тайёрми?

— Мана, бу дастлабки маълумотлар.

— Ҳалок бўлганларнинг тўлиқ рўйхатини менга зудлик билан тайёрлаб беринг. Ҳаммаларини мукофотга тавсия этамиз, афсусли ўлимларидан кейин... Жангчиларнинг оилаларига хабар берилсин.

— Хўп бўлади, ўртоқ кўмондон. Кетишга рухсат этинг.

— Шошмай туринг, мана бу рўйхатни ҳозирок Бош штабга жўнатиб. Унда алоҳида мардлик кўрсатганларни олий мукофотга тавсия этганмиз. Кетишингиз мумкин.

— Эшитаман, ўртоқ кўмондон.

Орадан икки кун ўтди. 3-Белорусия ҳамда 1-Болтиқбўйи fronti жангчилари, сапёрлар бўлинмасининг бошлиғи, катта сержант, 19 ёшли ўзбек йигити Сотим Нурметов Совет. Иттифоқи Қаҳрамони бўлганини бутун мамлакат билди.

ТУШ

Биринчи кун. 1945 йил, апрель. Баҳор фасли бўлишига қарамасдан ҳаво бир оз салқин. Майор Родителев хандоқда биров-бировининг пинжига кириб, тин олаётган жангчиларга бирма-бир тикилади. У командирлик қилаётган сапёрлар батальонидаги аскарларга ҳозир дам берилган.

— Ўртоқ майор...

— Секинроқ, — дея Родителев навбатчининг сўзини бўлди. Ишора билан олдига чақирди.

Солдат командирга яқинроқ келиб, қайта сўз бошлади.

— Ўртоқ майор, сизни штабга чақиришяпти.

— Яхши, сен кетавер, ҳозир бораман...

Сезгир катта сержант Сотим Нурметов охиста уф тортиб қўйди. Унинг ҳамшиша кувноқ кўзларида ғамглик уйғунлашди, ҳаёлчан ертўланнинг шифтига тикилди.

— Ўртоқ сержант, сизга нима бўлди, нималарни уйлаяпсиз?

— Э, огайни биласанми, бироз мизгибман. Тушимга онамлар кирибдилар. Гуё мен ўз уйимда, Хивада эмишман.

— Хива деганингиз нима ўзи?

— Андрей, наҳотки, шунин билмасанг, бу шаҳар. Ўзбекистонда шунақа Хива деган шаҳар бор. Мен шу ерда туғилганман. Чиройли шаҳар, сен бўлсанг...

— Мен қаёқдан билай, ўртоқ сержант, ўзимнинг шаҳримни яхши билмайман-ку, тарихдан доим икки олардим. Қизиқмаганман, — дея Андрей Соломенцев афтини бўймайтди.

— Яхши, яхши. Бу ёгини эшит. Гапимни яна бўлсанг, тушим эсимдан чиқиб қолади. Демак уйда эмишман. Онамлар урушдан олдингидек юмшоқ, бўрсилдоқ, катта-катта нон ёпибдилар. Бирам мазали, ҳозиргина тандирдан узилган ноннинг таъмини ҳидини бир тасаввур қилган-а, Андрей. Шу нонлардан бирини олиб ейман деман-у, иссиқлигидан саватга тушиб кетади. Оламан дейман қўлимдан тушиб кетаверади...

Нонни яна қўлимга олармишман, яна тушиб кетармиш. Онамлар нонни олиб пуфлаб-пуфлаб яна менга берармишлар. Уйғониб кетдим. Афсус туш экан...

— Ҳа уйингга нима етсин. Нонга келсак иссиқ бўлмаса ҳам майли эди. Бир бурдадан-а, нима дедингиз?

ВАЗИЯТ ОГИР. ИККИНЧИ КУН.

Тула қуролланган, катта ҳарбий техникага эга бўлган душман қўшинлари Кёнигзберг шаҳрини каттиқ туриб химоя қилмоқда. Сунги икки-уч кун давомида душман мана бу йўналишлардаги қолган-қутган кучларини ана шу шаҳарга тўплаб олишга муваффақ бўлди. Аниқ разведка маълумотига қараганда душманнинг 200 мингга яқин кучлари бор. Шаҳарнинг аксарият кўп қисмини сув ураб турганлиги душманнинг мудофаа кучини оширади. Шу сабаб шаҳарни

ҳужум билан олиш мушкул. Жуда кўп талофат беришга тўғри келади. Сув бўйларида душман икки, хатто баъзи жойларда уч қаторлик мудофаа чизигини ташкил этган.

— Мана бу кўприклар. Бу ерда эса душманнинг кучли ва мустақкам мудофаа чизиги бор. Кўприкка яқин бўлган, мана бу пастроқдаги мудофаа чизиги эса заифроқ. Юзга яқин аскар бор холос. Менимча кўприкларни олиш учун аввал душманнинг асосий кучларини чалғитиш керак.

— Қандай қилиб чалғитасиз? — сўради ҳалиги шаҳарни ҳужум қилиб олиш тарафдори бўлган штаб офицери, — уруш қўрсонсиз бўлмайди, ўртоқ кўмондон, шаҳарни штурм билан олишдан ўзга илож йўқ.

— Бор, иложи бор, гапида давом этди бояги полковник, — қандай қилиб чалғитамиз. Мана бу ёққа қаранглар, мана бу, мана бу ердаги олис масофага отадиган, оғир тўплар батальони душман мудофаа чизикларини тинимсиз тўпга тутуди. Мана шу пайтнинг ўзида беш олти азамат сапёр билан билинтийрмай кўприкка бориб олса бўлади. Айтиб утганингиздек, ҳар қанақа шароитда ҳам у ерга кўпчиликни юбориб бўлмайди. Демак мана шу озгина лекин кучли жангчилар гуруҳ орқали душманнинг олд мудофаасини эгаллаш мумкин. Ҳаракатнинг давомида, келишиб олинган вақт маълум муддат ўтгандан кейин тўплардан яна ўқ ёғдирамиз. Худди шу навбатдаги ҳужумдан фойдаланиб сапёрлар отряди кўприкни минадан тозалайди. Лекин бу жуда оғир вазифа. Юз кишилик мудофаа истеҳкомини беш

олти жангчи билан эгаллаш оғир... ҳам...

— Ҳа тўғри, оғир ва хавфли вазифа. Топшириқ улимга юбориш билан тенг. Сезиб қолишлари ҳам мумкин-ку?

Кўмондон ўйланиб қолди. Бу таклиф охириги ва самара берадигандай туюлди, унга. «Уддасидан чиқаолишармикин» ўйлади кўмондон ичиди. Унинг фикрини Родителев бўлди:

— Ўртоқ кўмондон, Матвеевнинг фикрини қувватлайман. Шундан ўзга чора йўқ. Кимларни тавсия этасиз. Бу топшириқни унча бунча жангчи бажара олмайди.

— Сотим Нурметов ротасини, абжир йигитлар, уддалашади. Мен уларни яхши биламан.

— Ротадан кимларнинг номларини тавсия этасиз?

— Тарасов, Иванов, Келдибоев, Самницкий, Григорьев, Николаев, Федорчук, Голованов. Гуруҳга бошлиқ этиб, айтганимдек, сержант Нурметов тайин этилади.

— Шошма-шошма анави ўн олти душман тўпини қўлга киритишда жасорат кўрсатган йигитчаними?

— Худди шундай ўртоқ кўмондон.

— Ҳа, эсламан, азамат йигит. Ҳақиқий қаҳрамон. Кўмондон ўйланиб қолди. Миллати ўзбек. Катта сержант. Сапёрлар ротасининг командири. Севастополь, Ворошиловград, Минск, Донбасс шаҳарларини душмандан озод этиш жангларида алоҳида мардлик ва жасорат кўрсатган, Учинчи ва Иккинчи даражали «Шуҳрат» ордени ҳамда бир нечта жангвор медаллар билан мукофотланган.

— Мен қарши эмасман. Лекин операция тафсилтини майда-чуйдаларигача ишлаб чиқинглар. Ҳар бир рўй бериши мумкин бўлган вазиятни ўйлаб кўринг.

— Хўп бўлади, ўртоқ кўмондон.

— Вақтимиз жуда оз. Операцияни уч соатдан сунг бошлаймиз. Сапёрлар жуда кўп баҳслашишди. Дурбин орқали душман истеҳкомининг ҳар бир қарич ерини синчклаб кузатишди. Ҳужум вақти, шартли билдиришлар келишиб олинди. Бу муҳим топшириқнинг босқинчилари операция учун ажратилган вақтнинг ҳар бир дақиқалари тақсимлаб олинди. Муҳокамада оғир артилерия батальони командири Матвеев бошдин оёқ иштирок этди. Ҳаммаси келишиб олинган ниҳоят Сотим Нурметов гуруҳи топшириқ олдидан сафланди:

— Йигитлар, ҳозир менга жуда оғир, чунки сизларни улим билан юзма-юз бўлиш учун юбораёпман. Лекин мени бир нарса юпатади. У ҳам бўлса ишонч туйғуси. Мен сизларга ишонаман-а? Жангвор топшириқни албатта бажарасиз, сабаби шу сизнинг қаҳрамонона ишингиз минглаб жангчи биродарларингизни улимдан сақлаб қолади. Ёдингизда бўлсин, сапёр хатога йўл қўйиши мумкин эмас. Акс ҳолда нотўғри қўйилган ҳар бир қадам, ўйламасдан қилинган, арзимаган ўзбилармончилик ҳам ўзингни, ҳам минглаб қуролдош жангчилар ҳаётини барбод қилади. Қолаверса армиямизнинг муваффақияти ҳам минг-минглаб жангчиларнинг ҳаёти ҳам ҳозир кўп хижатдан сизларга боғлиқ, — майор Родителев шундай дея ҳар бир аскар билан кучоклашиб, хайрлашди.

— Йигитлар эркин ҳаракатланиш учун халал берадиган нарсаларни қолдиринг.

(Давоми келгуси сонда)

Абдурашид ИСРОИЛОВ
**АСКАРНИНГ
ТЎРТ КУНИ**
(ҳужжатли ҳикоядан парча)

Шеър ва кўшиқ шайдосимиз

ТУРКИСТОН

Етти иқлим билар номинг Туркистон,
Бахти кулган нурафшоним Туркистон.
Ширин-шарбат кафтингдаги сув, номинг,
Кўхна шаҳрим шараф - шоним Туркистон.

Улуғларнинг масканисан Туркистон,
Муслим халқим сен жонисан Туркистон.
«Кичик Макка», — дерлар сени, азизим,
Ўтмишларинг элга дoston Туркистон.

Буюкларнинг номи билан улугсан,
Яссавийнинг пойи теккан бир юртсан,
Маҳнинг ёзар шоир ўғлинг Эрназар,
Машъал шарқим юлдузисан Туркистон.

Етти иқлим билар номинг Туркистон,
Бахти кулган нурафшоним Туркистон.
Ширин — шарбат кафтингдаги сув, номинг,
Кўхна шаҳрим, шараф - шоним Туркистон.
Эрназар РЎЗИМАТОВ.

ГУЛЗОРДА РАҚС

М.ЮСУПОВА шеъри
С. АБРАМОВА музикаси

Кўёш чиқиб, сочилди нурлар,
Боғимизда очилди гуллар.
Кўринг, жуда чиройли улар.
Худди биздек улар ҳам кулар.

Нақорат:
Карнайгул, шойи гул, атир гул,
Бизлардек ҳар доим кулиб тур.

Гулзор чети жамбилу райҳон,
Эсар бунда майин шаббода.
Хушбўй ислар таратиб ҳар ён
Яшнаб борар гуллар сабода.

Нақорат:
Жамбилжон, райҳоной, яшнайвер,
Гулзорим кўркисан, хуш ис бер.

Эрта баҳор гул экамиз, гул.
Боғимизни этамиз обод.
Биз эккан гул ёз чоғи буткул
Чаман бўлиб яшнар, диллар шод.

Нақорат:
Диллар шод, боғ обод, келингиз,
Гулзорда шўх ўйнаб кулингиз.

Муёш чиқиб, сочилди нурлар,
Боғимизда очилди гуллар.
Кўринг, жуда чиройли улар, чиройли улар,
Худди биздек улар ҳам кулар.
Карнайгул, шойи гул, атир, атир гул,
Бизлардек ҳар доим кулиб-кулиб тур доим
Карнайгул, шойи гул, атир, атир гул,
Ля, ля, ля, ля, ля, ля, ля, ля, ля, ля.

ТОНГ ЮЛДУЗИ
Ўзбекистон болалари ва ўсмирларининг газетаси

Бош муҳаррир Умида АБДУАЗИМОВА

Таҳрир хайъати:
Наримон ОРИФЖОНОВ,
Феруза ЖАЛИЛОВА,
Раҳима ШОМАНСУРОВА,
Марат ШАФИЕВ,
Сайридин ХОЛОВ
(масъул котиб)

IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Ҳажми 1 босма табоқ. Буюртма — Г 0205. 11.000 нусxada босилди. Қогоз бичими — А-3. Босишга топшириш вақти 19.00. Топширилди — 18.30

- Рўйхатдан утиш тартиби № 000137
- Манзилимиз: 700083, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кучаси, 32-уй.
- Телефон: 33-44-25